



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 7



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адхам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети*

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна

*Тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети*

Гофоров Шокир Сафарович

*тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный
университет, Грузия*

Халикова Рахбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Джоробекова Айнур Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор,
Ташиқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*тарих фанлари номзоди, доцент
Тошкент давлат техника университети*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Ўктамжон Абдуллаев ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР МУАММОСИ (1991-2010 ЙИЛЛАР).....	4
2. Собир Абдуназаров ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ.....	10
3. Валишер Абиров, Иломиддин Мамаюсупов ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭТНИК ҚАТЛАМЛАРИГА ДОИР.....	22
4. Акмал Базарбаев ТУРКИСТОНДА МУСТАМЛАКА МАЪМУРИЯТИНИНГ ЕРГА ДОИР СИЁСАТИ (1867-1900 ЙИЛЛАР).....	33
5. Ойбек Исаев СУРХОН ВОҲАСИГА ОИД ТАЪЛИМ МАСАЛАЛАРИНИНГ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ (1920-1930й).....	40
6. Гулмира Каттаева ЛЯПИС–ЛАЗУРИТ МАНЗИЛГОҲЛАРИ ВА УНИНГ ТАРҚАЛИШ ГЕОГРАФИЯСИ.....	46
7. Nargiza Karimova ZIRAVORLAR VA MAHSUS TA’M BERUVCHI VOSITALAR SAVDOSINING RIVOJLANISH TARIXI HAQIDA VA’ZI MASALALAR.....	54
8. Дадахон Норқўзиёв МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИНГ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ.....	60
9. Мафтуна Рўзикулова МАРКАЗИЙ ФАРҒОНАДА СУҒОРИШ ИНШООТЛАРИ ВА ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ТАРИХИ (XX АСРНИНГ 50-70-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....	64
10. Махмуджон Солиев ДУКЧИ ЭШОН ҚЎЗҒОЛОНИ СОВЕТ ТАРИХШУНОСЛИГИДА.....	72
11. Наргиза Ҳасанова ОНАЛИК – ЗАМОНАВИЙ ШАРҚ АЁЛИНИНГ УЛКАН МАСЪУЛИЯТИ.....	76
12. Махпурат Хуббалиева БУДДА РОҲИБЛАРИНИНГ САЁҲАТНОМАЛАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ: VII – VIII АСРЛАР.....	85

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Собир Абдуназаров,
Ўзбекистон миллий университети тадқиқотчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

For citation: Sobir Abdunazarov, CRITERIA FOR EVALUATING THE EFFICIENCY OF STATE YOUTH POLICY IN UZBEKISTAN. Look to the past. 2020, vol. 7, issue 3, pp.10-21

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-7-2>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини баҳолаш меъзонлари, унинг муаммоли жиҳати, мақсадлари ҳамда устувор йўналишлари, ёшлар сиёсати самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичларни ёритилган.

Калит сўзлар: ёшларга оид давлат сиёсати, баҳолаш меъзонлари, кўрсаткичлар, соғлиқ индекси, таълим индекси, даромад индекси, микро, мезо ва макроёшлар сиёсати.

Собир Абдуназаров,
Исследователь Национального Университета Узбекистана

КРИТЕРИИ ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор описывает критерии оценки эффективности государственной молодежной политики в Узбекистане, ее проблемные аспекты, цели и приоритеты, показатели, определяющие эффективность молодежной политики.

Ключевые слова: государственная молодежная политика, критерии оценки, индикаторы, индекс здоровья, индекс образования, индекс доходов, микро, мезо и макро молодежная политика.

Sobir Abdunazarov,
Researcher, national university of Uzbekistan

CRITERIA FOR EVALUATING THE EFFICIENCY OF STATE YOUTH POLICY IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

In this article, the author describes the criteria for evaluating the effectiveness of state youth policy in Uzbekistan, its problematic aspects, goals and priorities, indicators that determine the effectiveness of youth policy.

Index Terms: state youth policy, assessment criteria, indicators, health index, education index, income index, micro, meso and macro youth policy.

1. Долзарблиги:

Бугунги кунда ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлиги масаласи бир мунча мураккаб ва кенг қиррали муаммо саналади. Бу уни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш босқичларининг ҳар бирида яққол кўзга ташланмоқда. Айниқса, унинг мақсад ва вазифалари ҳамда эришилган натижани баҳоловчи мезонларини белгилаш борасида баҳсли ёндашувлар мавжуд.

Шунга кўра, ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини баҳолашнинг муаммоли жиҳати бир томондан ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлиги тушунчасини аниқ таърифлаш, бошқа томондан эса микро (маҳаллий ёшлар сиёсати), мезо (худудий ёшлар сиёсати) ва макро (миллий ёшлар сиёсати) даражаларидаги самарадорликни ўлчовчи кўрсаткичларни аниқ белгилаб олиш билан боғлиқ тарзда намоён бўлади[1].

Умуман олганда, ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлигини баҳолашда унинг мақсадлари ҳамда устувор йўналишларига қараб мўлжал олиш лозим. Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлиги тушунчасини таърифлашда унинг тузилмасидаги натижадорлик ва ресурслар билан боғлиқ элементларни истисно этувчи кўплаб ёндашувлар мавжуд.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола қиёсий-мантиқий таҳлил методи, кетма-кетлик, кузатиш, ўлчаш тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини баҳолаш мезонлари, унинг муаммоли жиҳати, мақсадлари ҳамда устувор йўналишлари, ёшлар сиёсати самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичлар ёритилган.

Ёшлар сиёсатини баҳолаш мезонлари бир қанча хорижий тадқиқотчилар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, Б.М. Айзенкоп, В.Т. Лисовский, Ю.В. Коврижных, Б.А. Ручкин, С.Н. Чирун, В.А. Родионова, П.Н. Беспалепко, Л.А. Вербицкая, В.В. Павловский, В.Г. Пирожников ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ёшлар сиёсатини баҳолаш мезонлари ёритиб ўтилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Бугунги кунда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг қатъий фуқаролик позицияларини кучайтириш Ўзбекистондаги ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири саналади.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги бир қанча қонун ва қонуности ҳужжатлари орқали тартибга солинади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунлар ҳамда “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”, “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”, “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги фармонлари ва бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар [2].

“Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1991 йилда қабул қилинган бўлиб, ушбу қонунни янги таҳрирда қабул қилиш эҳтиёжи мавжудлиги сабабли 2015 йилда тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари, депутатлар, тадқиқот марказлари экспертлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакилларида иборат махсус ишчи гуруҳи ташкил этилиб, Қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқилди ва 2016 йилнинг 14 сентябрь куни “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги”ги Қонун қабул қилинди [2]. Ушбу қонуннинг 19, 20, 21 моддалари ёшлар билан ишловчи нодавлат ташкилотлар тармоғи учун ҳуқуқий асос вазифасини бажариб, уларда ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ҳамда ёшлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирок этиши масаласи алоҳида белгилаб қўйилди.

Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштиришда муҳим ўрин тутадиган давлат дастурлари 2017 йилдан бошлаб вазирлик, идора, ташкилотлар ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи [3] ўртасидаги кўшма

келишувлар асосида ҳар бир ташкилот тизимидаги ёшлар учун амалга ошириладиган кўшимча чора-тадбирлар Дастурларини қўллаш технологиясини жорий қилиш орқали янада такомиллаштирилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг таъсисчилиги асосида ташкил этилган “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти”, “Ёшлар медиа маркази”, “Ёшлар ижод саройи, “Ёшлар” телерадиоканали, “Менинг юртим” телеканали, “Ёшлар овози” ва “Молодежь Узбекистана” газеталари, “Yosh kuch” журнали, “Ёшлар нашриёт уйи”, “Имконияти чекланган болалар ва ёшлар маркази”, “Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази”, “Республика ёш олимлар кенгаши”, “Ёш ижодкорлар кенгаши”, “Ёш киноижодкорлар кенгаши”, “Ўзбекистон ёш фермерлар кенгаши”, “Янги авлод форуми болалар ижодиёти маркази”, “Етакчи” ёшлар маркази, “Ёшлар туризми” агентлиги, “Ёшлар қурилиш инвест”, “Ёшлар бизнес инкубатор”, “Бунёдкор” ёшлар телеклуби, “Ёшлар радиоси”, “Китоб олами” ва “Республика ёшлар Маркази” [4] каби фуқаролик жамияти институтлари ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг илмий ва ижодий салоҳиятини юксалтириш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва шу каби бир қатор йўналишларда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг асосий фаолият йўналишларини амалиётга жорий этишда кўмакчи ташкилотлар сифатида фаолият юритади.

Бундан ташқари, замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга қодир баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш мамлакатни барқарор ва илдам ривожлантириш мақсадида 2018 йилнинг 27 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисидаги фармони [5] қабул қилинди.

Мамлакатдаги ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда ёшлар соҳасидаги ислохотларни жорий этишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳам фаол ҳамкорликни йўлга қўйган ташкилотларнинг энг йириги сифатида Ўзбекистон ёшлар иттифоқини эътироф этиш лозим. Ушбу ташкилот фаолиятини такомиллаштириш мақсадида, 2017 йил 5 июлда “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли [6] Фармони ҳамда 2017 йил 18 июлда “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3138-сонли қарори қабул қилинди [7].

Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлиги умумий тушунчасининг тузилмаси мақсад ҳамда натижалар ва мазкур сиёсатнинг муайян йўналишида эришиладиган мақсад учун зарур воситалар ўртасидаги нисбат сифатида таърифланиши мумкин.

Натижадорлик ҳар қандай жумладан, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги лойиҳаларнинг самарадорлигини белгиловчи баҳо бўла олади. Ёшларга оид давлат сиёсатига нисбатан қўлланилганда амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизимини (кўпинча мақсадли дастурлар характериға эға) тадбиқ қилиш жараёнида улар ёшларга тегишли қандай ўзгаришларни олиб келганлигини белгиловчи кўрсаткич сифатида тушунилади[8].

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, ёшларга оид давлат сиёсатининг натижадорлиги лойиҳалаш босқичида мазкур лойиҳанинг қанчалик реал эканлиги билан узвий алоқадор бўлади. Айни ўринда ишлаб чиқиладиган дастурлар йўналишлари назарда тутилмоқда.

Лойиҳанинг реаллик даражаси унинг дастур амалга оширилиши назарда тутиладиган ички ва ташқи шароитга мос келиши билан белгиланади[9].

Мазкур тадқиқот доирасида ёшларга оид давлат сиёсатининг натижадорлиги интеграл субъект сифатида жамиятнинг институционал тизимларида тадбиқ қилинувчи ёшлар сиёсати самарадорлигини баҳолаш моделини ишлаб чиқишга оид мақсадга мувофиқ ва аниқ режалаштирилган тарзда амалга оширилувчи аниқ чора-тадбирлар тизими махсули бўлган муайян миқдор ва сифат баҳолаш меъзонлари тизими сифатида таърифланади.

Ёшлар сиёсатининг самарадорлиги унинг натижадорлиги асосида белгиланади. Ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлиги ўз навбатида конкрет натижалар ва сарфланган ресурслар ўртасидаги нисбатни кўрсатувчи, шунингдек, натижалар билан ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш босқичларидаги уринишларни бузиш оқибатида юзага келадиган муаммоли жиҳатлар ўртасидаги мувофиқликни ўрнатувчи, уни амалга ошириш жараёнида иштирок этувчи субъектлар билан ўзаро таъсирга эга натижадорлик кўрсаткичларининг мажмуасидир[10].

Шу маънода, устувор йўналишлари ёшларнинг реал муаммоларини қамраб олган субъектлар бошқарув тизими ҳуқуқий механизмлар ва уларни тадбиқ қилиш имкониятининг мавжудлиги ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатида ёшларнинг фаол иштироки сингари зарурий амалга ошириш ресурсларига эга бўлгандагина ёшларга оид давлат сиёсатини самарадор деб баҳолаш мумкин.

Қатъий қутбланишган ёндашувга кўра, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг турли вариантлари мавжудлигини назардан соқит қилган ҳолда уни самарадор ва самарасиз турларга ажратиш мумкин.

Режалаштирилган, ижобий натижалар салбий ва қутилмаган натижалардан нисбатан кўпроқ бўлган ҳолатда ёшларга оид давлат сиёсатини самарадор дейиш мумкин.

Бундан ташқари, самарадорлик тамойиллари мунтазам равишда ахлоқий меъёрлар қадриятлари билан мувофиқлик касб этиб бориши лозим. Ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлиги уни амалга оширишда қўлланилаётган чора-тадбирлардан ёшларнинг тўлақонли хабардорлиги билан ҳам белгиланади[11]. Айни ўринда ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлигини таъминловчи шарт-шароитларга мурожаат қилишга ҳам тўғри келади.

Буларга қуйидагилар киради:

– танлаб олинган ёшлар сиёсати моделининг ижтимоий воқъеликка тўла мослиги (турли даражаларда тадбиқ қилинадиган ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш механизмларининг сифат кўрсаткичларининг реал шароитга мос келиши);

– ёшларга оид давлат сиёсатини реал ижтимоий асос билан таъминлаш;

– ижтимоий асосларнинг барқарорлиги;

– ёшлар сиёсати субъектлари манфаатларининг ижтимоий йўналганлиги;

– ёшларга оид давлат сиёсати ташкилий тузилмаларининг қўйилган вазифаларга мувофиқлиги;

– ёшларга оид давлат сиёсати тузилмасининг манфаатдор тарафлар билан ўзаро ҳамкорлик жараёнидаги фаоллиги;

– ёшларга оид давлат сиёсати соҳалари ва даражаларидаги ўзаро ҳамкорлик борасидаги натижадорлик;

– ёшлар сиёсатини бошқаришдаги профессионализм;

– ёшлар сиёсатини амалга оширишда маҳаллий, ҳудудий ва миллий даражаларнинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутиш;

– ёшларга оид давлат сиёсатининг мафкуравий, назарий-методологик таъминоти;

– ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини баҳолаш тизимининг мавжудлиги;

– ёшларга оид давлат сиёсати йўналишида мазкур соҳада намоён бўладиган ҳодисалар динамикаси ва жараёнларни кузатиб бориш имконини берувчи асосли кўрсаткичлар тизимига таянган ҳолда ижтимоий мониторингнинг амалга оширилиб борилиши.

Самарадор ёшларга оид давлат сиёсатининг қуйидаги белгилари мавжуд:

– ҳаракатчанлик;

– жамоатчилик назорати учун очиқлик ва у билан ўзаро ҳамкорлик;

– натижадорлик, прагматиклик;

– жамоатчилик томонидан ёшларга оид давлат сиёсатининг тушунилиши ва қўллаб-қувватланиши;

– юксак даражадаги илмий-ахборий таъминот;

– ёшларга оид давлат сиёсати чора-тадбирларининг доимий огоҳлантирувчи характери[12].

Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлиги учун зарур шароитлар орасида уни баҳолаш тизими аниқроғи, муайян модел доирасида унинг назарий ва амалий жиҳатдан уйғунлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасидаги ёшлар сиёсатига оид мақолалар, концепциялар, лойиҳаларни ўз ичига олувчи манбаларнинг таҳлили ёшларга оид давлат сиёсатини баҳолашга қаратилган жорий моделнинг мавжуд эмаслиги ва умуман юзага келган вазиятни ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирлар тизимининг декларатив характер касб этиши каби муҳим ҳолатларни кўриб чиқиш имконини беради.

Бу ҳолат вазиятни янада мураккаблаштириб ёшлар сиёсати соҳасидаги конструктив тараққиётга тўсқинлик қилмоқда.

Шу маънода, ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини баҳолаш моделларини ишлаб чиқишнинг назарий-эмперик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ёшлар сиёсатининг самарадорлиги ҳақида юқорида таъкидланган мулоҳазалардан келиб чиқиб, биз унинг таркибий тузилмаси нуқтаси назаридан умумий хусусиятларини тасвирлашга уриндик.

Бу ҳолатда ёшлар сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш модели деганда, ўзида муайян параметрларни қамраб олувчи шунчаки маълумотлардагина эмас, лойиҳанинг дастлабки қисмида кўзда тутилган мақсадлар билан олинган натижаларнинг ўзаро мувофиқлигида акс этиб турувчи меъзонлар тизими тушунилади.

Юқорида таъкидланганидек, ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлиги тушунчаси икки муҳим аспектдан иборат. Бунда бир томондан, ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлиги бошқа томондан эса, уни амалга оширишнинг самарадорлиги назарда тутилади[13].

Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини баҳолаш модели ҳақида гап кетганда айни ўринда самарадорлик деганда юқорида таъкидланган икки жиҳатнинг ёшларнинг реал муаммоларига қаратилган ёшлар сиёсати ва уни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурслар билан мутаносиблигини тушуниш лозим.

Баҳолаш параметрларини таснифлаш учун зарур белгилар маконини ҳосил қилиш имконини берувчи қатъий белгиланган меъзонлар тизими ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини баҳолаш моделини ишлаб чиқишдаги зарурий асос ҳисобланади[14].

Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини баҳолаш меъзонларини муҳокама қилишдан аввал соҳага оид кўплаб тадқиқотларда тез-тез таъкидланадиган қуйидаги ҳолатларга диққат қаратиш лозим. Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини баҳолашда кўпинча замонавий босқичларда диққат қаратилмайдиган ижтимоий-иқтисодий меъзонлар гуруҳига кирувчи ижтимоий-сиёсий, этно-ижтимоий, ташкилий ва мафкуравий меъзонларни ҳисобга олиш лозим.

Бундан ташқари ёшларнинг ижтимоийлашув муаммоси кесимида таҳлил қилинган ювинтологик концепция доирасида тақдим этилган жамият ҳаётининг турли соҳалари билан боғлиқ меъзонлар ҳам кам аҳамият касб этмайди. Мазкур концепцияга кўра, жамият ҳаётининг асосий соҳаларини ойкумен, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва этномаданий жабҳалар ташкил этади[15]. Мазкур меъзонлар тизимидан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш учун уларнинг махсус назарий эмперик таҳлилин аналга ошириш лозим.

Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини баҳолаш меъзонларини ишлаб чиқиш муаммоси асосида ёшлар ўртасида кенг тарқалган салбий тенденцияларни бартараф қилишга қаратилган ёшлар сиёсатининг мақсадлари ва шунга мувофиқ йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ҳам ҳал қилиниши мумкин.

Бундан келиб чиққан ҳолда қуйидаги схемани тақдим этиш мумкин:

Ёшларнинг реал муаммолар майдони – шунга кўра ёшлар сиёсатининг мақсад ва вазифаларини шакллантириш – йўналишларни аниқлаш – ҳар бир йўналиш бўйича баҳолаш меъзонлари тизимини ишлаб чиқиш[16].

Баҳолаш меъзонларининг қатъий гуруҳларга ажратилиши уларни ёшларга оид давлат сиёсатининг алоҳида йўналишлари бўйича қўллаш имконини беради.

Шунингдек, ажратиб олинган меъзонларни операционализациялаш ҳамда уларнинг ёшларга оид давлат сиёсати натижадорлигини баҳоловчи моделни ишлаб чиқишда фойдаланадиган аниқ параметрларни ажратиб олиш муаммоси ҳам мавжуд. Бизнингча, ишлаб чиқилган кўрсаткичлар ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг муайян даражаси: тегишли бўлиши (республика, ҳудудий, маҳаллий); кўрсаткичлар ва даражалар ўртасидаги алоқа вертикал (кўрсаткичлар ва турли даражалар ўртасида), горизантал (кўрсаткичлар ва бир даража ўртасида) бўлмоғи лозим.

Таклиф қилинаётган моделда муайян меъзонлар тизими асосида ажратиб олинган параметрлар ёшларга оид давлат сиёсатининг фаолияти сифатида намоён бўлувчи моҳиятини акс эттирмоғи лозим.

Шу маънода ажратиб олинган параметрларни эмперик таҳлил қилиш имкони бўлиши лозим. Зеро, улар ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини миқдорий ва сифатий жиҳатдан баҳолаш имконини берувчи кўрсаткичлар тизимини лойиҳалаш воситаси ҳисобланади[17].

Ёшлар сиёсати самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичлар деганда ёшлар ва ижтимоий сиёсий субъектлар ўртасида юзага келадиган социал муносабатларнинг миқдорий ва сифатий тавсифини тушуниш таклиф қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ишлаб чиқилган кўрсаткичлар тизими куйидаги талабларга мос келиши лозим:

1. Кўрсаткичлар тўплами миқдор жиҳатдан чекланган ҳамда белгиланган муайян вақт ичида доим амал қилиш хусусиятига эга бўлиши керак.

2. Кўрсаткичлар ёшлар сиёсати соҳасидаги чуқур илмий ўрганилган ҳамда амалиётда синалган ҳодисаларни акс эттирмоғи лозим. Бир ижтимоий иқтисодий формациядан иккинчисига ўтишда янгича инновацион кўрсаткичларни излаб топиш талаб қилинади.

3. Фойдаланиладиган кўрсаткичлар тўплами даврий равишда такомиллаштирилиб борилиши лозим.

Бугунги кунда муайян ёшлар сиёсати самарадорлигини баҳолаш модели доирасида амал қиладиган ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан ҳаракатчан кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш тадқиқотчилар олдида турган муҳим вазифалардан саналади.

Ҳар қандай самарадорликни баҳолаш моделида баҳолаш Институтларига нисбатан номаълумликни бартараф қилиш муаммоси мавжуд бўлади:

- баҳолаш институтларининг ҳуқуқий таъминоти;
- баҳолаш институтлари фаолиятининг бошқарув тизими;
- баҳолаш институтлари ўртасида ахборот алмашинуви ва ўзаро ҳамкорликнинг жорий қилинганлиги[18].

Бизнингча, баҳолаш жараёнини назарий методологик асослар билан таъминлаш мазкур Институтлар фаолиятининг устувор йўналишига айланиши лозим.

Шу маънода, биз томондан таклиф этилаётган ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини баҳолаш моделини ишлаб чиқиш жараёни куйидаги муҳим жиҳатлардан ташкил топади:

- баҳолаш меъзонлари ва уларга мос баҳолаш параметрларининг мавжудлиги;
- ҳар бир параметр бўйича муайян сифат ва миқдор кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;
- ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини баҳолаш бўйича чора-тадбирлар тизимини институционал базасини аниқлаш;
- ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини баҳолаш институтлари фаолияти учун зарурий шароит яратиш.

Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини баҳолашнинг муаммоли жиҳатларининг муҳокамаси ҳамда уни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг турли даражаларини баҳолаш жараёнини ёшлар сиёсати ички тузилмасининг таҳлилисиз амалга ошириш мумкин эмас. Айни ўринда уни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг механизмлари билан боғлиқ

жиҳатлари назарда тутилмоқда. Уларнинг таҳлили ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини баҳолашнинг ҳаракатчан модели мавжуд эмаслигини изоҳловчи имконий сабабларни излаб топиш юзага келган вазиятда рўй берган узилишлар механизмларини аниқлаш имконини беради.

Ёшлар сиёсати соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги, натижадорлиги ва ҳаракатчанлигини объектив баҳолаш учун ягона кўрсаткич ва индикаторлар тизими талаб қилинади [19].

Бугунги кунда ҳам ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини баҳолашга оид ягона ёндашув мавжуд эмас.

Бу эса ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг турли даражаларида фаолият юритувчи давлат ташкилотларининг мазкур сиёсат самарадорлигини баҳолаш масаласини субъектив тарзда тушунилишига олиб келмоқда.

Кўпинча умумреспублика ёки айрим ҳудудларда ўтказилган оммавий тадбирлар ёшлар сиёсати сифатида талқин этилади.

Бир неча йил аввал тадқиқотларда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида қўйилган мақсад ва вазифаларга эришилганлик даражасини баҳолашда ёшларнинг инсоний салоҳияти тараққиётини баҳолаш имконини берувчи мазмуни ва методологияси жиҳатидан инсон салоҳияти ривожланиши индексларига яқин бўлган ёшларнинг ривожланиш индекси композицион кўрсаткичларидан фойдалана бошланди. Мазкур кўрсаткичларни ҳисоблаш методологияси ЮНЕСКО томонидан таклиф қилинган бўлиб, у кўрсаткичларнинг қуйидаги 3 та гуруҳини назарда тутди:

Соғлиқ индекси,
Таълим индекси,
Даромад индекси[20].

Соғлиқ индексини ҳисоблашда ёшлар ўртасида рўй берган ўлим сабабларидан фойдаланилиб, мазкур сабаблар турли хил касалликлар ва бахтсиз ходисалар сингари икки гуруҳга ажратилади. Иккинчи гуруҳга ўз жонига қасд қилиш, ҳарбий ҳаракат чоғида шикастланиш, наркотик ва алкоголь маҳсулотлари истеъмол қилиш оқибатида ҳамда бошқа омилларга кўра заҳарланиш ва жароҳатланиш тушунилади.

Таълим индексини ҳисоблашда ёшлар ўртасидаги саводлилиқ даражаси, ёшларни таълимнинг турли босқичлари билан қамраб олинганлиги даражаси, улар олган таълимнинг сифат даражаси каби омилларга эътибор қаратилади. Ёшлар олган таълимнинг сифат даражаси улар ўртасида ўтказилган давлат имтиҳонлари натижалари билан белгиланади.

Ёшлар индексининг сўнгги элементи бу даромад индекси бўлиб, у статистика қўмитаси маълумотларига кўра ҳисобланади.

Ёшлар ривожини индексининг умумий кўрсаткичи уни ташкил этувчи кўрсаткичлар йиғиндисининг ўрта ҳисобига кўра келтириб чиқарилади.

Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсати самарадорлигини баҳолаш бўйича ўтказилган мониторингда ҳудудлардан йиғилган маълумотлар ва маълумот йиғиш жараёнининг ўзи ёшлар билан ишлашнинг устувор йўналишларини кўрсатиб берди. Мазкур жараёнда айрим ҳудудлардаги ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлиги бу ерлардаги ёшлар ишсизлиги, улар ўртасида наркомания, жиноятчилик, рецидивист жиноятчиликнинг камлиги билан белгиланишини кўрсатди. Баъзи ҳудудларда ёшларга оид давлат сиёсати деярли амалга оширилмаганлиги, аниқроғи давлат ҳокимияти органлари ўзларининг бу борадаги вазифаларини бажармаганликлари кузатилган.

Албатта маънавий камолот, ватанпарварлик, толерантлик сингари шундай ижтимоий жараён ва қадриятларга таянувчи параметрлар мавжудки, уларни тўғридан-тўғри миқдорий кўрсаткичларда акс эттириш, шу маънода бу борадаги натижадорликни аниқ баҳолаш бир мунча мураккаб ҳисобланади. Уларни ўлчашда қатъий кам маълумот берувчи кўрсаткичлардан имкон қадар фойдаланмаслик тавсия қилинади. Шунга қарамай, замонавий босқичда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати

самарадорлигини баҳолашга имкон берувчи нисбатан объектив статистик кўрсаткичлар рўйхати шакллантирилиши лозим.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини баҳолашда қуйидаги омилларга ҳам диққат қаратиш талаб қилинади: ҳудудлар ўртасидаги фарқ, қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги фарқ, аёллар ва эркеклар ўртасидаги фарқ, бирор ҳудудда доимий ва вақтинча яшовчи ёшлар ўртасидаги фарқ ва бошқалар.

Мазкур рўйхатдан қуйидаги кўрсаткичлар ўрин олиши лозим:

1. Ёшлар ҳолатларини баҳоловчи, жумладан:

1.1. Ижтимоий демографик тавсифи.

14-30 ёшдаги ёшлар ҳиссаси;

Ёшларнинг ёшга ва жинсга доир тақсимоли ҳамда унинг этно-миллий таркиби;

Ўзбекистон Республикаси ичида ёшларнинг кўчиб юриши ҳамда қишлоқ ва шаҳар ёшлари бўйича тақсимоли;

Ёшларнинг хорижий мамлакатлар бўйича миграциясига оид тақсимоли;

Миграциядаги ёшлар миқдори;

Ҳудудлар кесимида ёшларнинг касалланиш кўрсаткичи (барча касалликлар бўйича);

Ёшлар ўртасида рўй бераётган ўлим сабабларининг тузилмаси;

Ўзбекистон Республикасидаги ёшларнинг оилавий ҳолати;

Ўзбекистон Республикасидаги ёш оилаларнинг миқдори;

Ҳудудлар кесимида ёшлар ўртасида никоҳ ва ажримлар миқдори;

Ёш оилаларда туғилиш даражаси.

1.2. Ёшлар бандлиги.

Ёшлар бандлиги шакллари;

Ишлаб чиқаришдаги ёшлар бандлигининг тақсимоли;

Ёшлар ишсизлигининг ўртача давомийлик муддати;

Касбий таълим бўйича ўқув муассасаларини тугатган ёшларнинг ишга жойлашиш кўрсаткичи.

1.3. Ёшлар таълими.

Ёшларнинг таълим олганлик даражаси;

Касбга йўналтирилган ўқув муассасаларининг сони;

Касбга йўналтирилган ўқув муассасаларида ўқувчи ёшлар миқдори.

1.4. Ёшларнинг ҳарбий хизматга алоқадорлиги (ҳарбий хизматга чақирилувчилар сони, ҳарбий хизматга жалб қилинган ва жалб қилинмаган ёшлар).

1.5. Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, жумладан:

Ёшларнинг ижтимоий сиёсий фаоллиги.

Маҳаллий ва умумреспублика миқёсидаги сайловларда ёшларнинг иштироки;

Ёшларнинг ҳудудларда сиёсий партиялар ва ижтимоий сиёсий ташкилотлар шаклланишидаги иштироки;

Ёшларнинг ўзини-ўзи бошқарув органлари ва болалар ҳамда ёшлар жамоат бирлашмаларидаги иштироки.

Ёшларнинг меҳнат ва иш фаолиятидаги фаоллиги.

Ёшларнинг меҳнатда бандлик ва касбга йўналтирилган дастурлардаги иштироки;

Фермер хўжалиги ташкил қилган ёшлар ҳамда уларнинг ҳаракатчанлик хусусияти;

Тижорат корхоналарининг таъсисчиси сифатида қайд этилган ёшлар миқдори;

Вақтинчалик ташкил қилинган талабалар меҳнат отрядларида ёшларнинг иштироки.

Ёшларнинг ижодий фаоллиги.

Мамлакат ёш аҳолисига нисбатан халқаро, республика ва маҳаллий миқёсида ўтказиладиган конкурс, танлов ва олимпиадаларда иштирок этаётган ёшлар миқдори;

Расмий ва норасмий ёшлар ижодий бирлашмалари фаолиятида ёшларнинг иштироки.

Ёшларнинг спорт соҳасидаги фаоллиги.

Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларида фаолият юритувчи ёшлар миқдори;

Маҳаллий, ҳудудий, республика ва халқаро миқёсидаги спорт мусобақаларидаги ёшларнинг иштироки;

Ёшлар ўзларининг яшаётган жойлардаги ташкилотларда иштироки;

Чақириққача ёшларни тайёрлаш ва ҳарбий ватанпарварлик ташкилотларида спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланувчи ёшлар.

1.6. Вояга етган ёшларнинг жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик содир этишидаги иштироки.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этган вояга етган ёшлар;

Ёшлар иштирокида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят;

Ахлоқ тузатиш колонияларидаги ёшлар миқдори;

Ёшлар ўртасида экстеремистик ходисаларнинг тарқалиши.

2. Шу тариқа Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат ҳокимияти органлари фаолиятларини йўналишларга кўра баҳолаш. Улар ўртасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

2.1. Ўзбекистонг Республикасида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш.

Республика миқёсидаги иқтидорли ёшлар маълумотлар базасининг мавжудлиги;

Иқтидорли ёшлар билан ишловчи дастурлар миқдори;

Илмий фаолият билан шуғулланадиган ёшлар билан ишловчи ташкилотлар.

2.2. Оғир ҳаётий шароитга тушиб қолган ёшларга ёрдам кўрсатиш.

Оғир ҳаётий шароитга тушиб қолган ёшлар маълумотлар базасининг мавжудлиги;

Оғир ҳаётий шароитга тушиб қолган ёшлар билан ишлашга йўналтирилган дастурлар миқдори;

Оғир ҳаётий шароитга тушиб қолган ёшлар билан ишловчи муассасаларнинг мавжудлиги.

2.3. Ёшларнинг касбий мўлжал олиши ва бандлиги.

Ёшларнинг бандлиги ва касбий мўлжал олишига йўналтирилган дастурларнинг мавжудлиги;

Ёшларнинг касбий мўлжал олиши ва иш топишига ихтисослашган ташкилотларнинг мавжудлиги;

Бизнес инкубаторлар миқдори.

2.4. Ёшлар ўртасида асоциал ҳодисалар профилактикаси.

2.5. Болалар ва ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ва чақириққача тайёрлаш.

Болалар ва ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ва чақириққача тайёрлаш дастурларининг мавжудлиги;

Болалар ва ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ва чақириққача тайёрлаш соҳасида фаолият юритувчи ташкилотларнинг мавжудлиги.

2.6. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш.

Ёш оилаларнинг миқдори ва ҳолати тўғрисидаги маълумотлар базасининг мавжудлиги;

Ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳудудий меъёрий ҳуқуқий базанинг мавжудлиги;

Ёшлар оилаларни қўллаб-қувватлаш хусусан уй-жой билан таъминлаш бўйича дастурларнинг мавжудлиги;

Ёшлар оилаларнинг уй-жой билан таъминланганлик даражаси.

2.7. Ёшларнинг мақсадли гуруҳлари билан ишлаш.

2.8. Ёшларнинг субмаданий бирлашмалари билан ишлаш.

Субмаданий ёшлар бирлашмалари тўғрисидаги маълумотлар базасининг мавжудлиги;

Ёшларга оид давлат сиёсати билан шуғулланувчи ташкилотлар билан ишловчи субмаданий ёшлар бирлашмалари рўйхатларининг мавжудлиги;

Ёшлар субмаданиятлари билан ишлашга йўналтирилган дастурлар.

3. Кейинги бўлим ёшларга оид давлат сиёсатини бошқариш ва унинг инфраструктурасига бағишланади:

3.1. Соҳалар бўйича ҳуқуқий меъёрий база.

Ёшлар ва ёшларга оид давлат сиёсати бўйича қабул қилинган қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар;

Мақсадли дастурлар.

3.2. Ёшлар билан ишловчи ташкилот ва муассасалар.

Ёшлар билан ишловчи ташкилот ва муассасалар билан ишловчи муассасаларнинг умумий миқдори;

Ёлар билан ишловчи давлат ва нодавлат рўйхатдан ўтмаган ва ўтган ташкилотлар рўйхати;

Ўзбекистон Республикасидада ёшларнинг ўзини-ўзи ташкиллаш шакллари.

3.3. Ёшлар ишлари бўйича ташкилотлар.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи ташкилотлар тузилмасидаги штатлар номи ва миқдори;

Ёшлар соҳасида фаолият юритувчи орган ходимлари сони;

Ёшлар иши бўйича ташкилотлар таркибидаги тузилмалар рўйхати;

Ёшлар иши бўйича ташкилотлар қошидаги коллегиял органлар (Кенгашлар, комиссиялар);

Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасини молиялаштириш;

Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасини бюджетдан молиялаштириш.

Мазкур кўрсаткичларни ўзлаштириш ва ўзаро таққослаш ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини баҳолаш бўйича умумий манзарани тасаввур қилиш имконини беради. Шунингдек, ҳудудлардаги соҳалар бўйича ёшлар иши паспортларини яратиш имконини беради.

Шунингдек, ушбу мезон орқали социологик тадқиқот методлари асосида йиғилган маълумотларга таяниб тайёрланган бутун мамлакат бўйича ёшлар аҳволи тўғрисидаги доклад ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини баҳолашнинг муҳим таркибий элементи ҳисобланади. Мазкур докладдан нафақат статистик маълумотлар, балки бу борада амалга оширилган сиёсат тўғрисидаги ёшларнинг умуман жамиятнинг муносабати акс этиб туради.

Юқорида санаб ўтилганларнинг йиғиндиси ёшлар сиёсати борасида давлат ва жамият томонидан амалга оширилган бошқарувнинг турли даражаларидаги ишлар самарадорлигини баҳолашнинг универсал тизимини ташкил қилади.

Шунингдек, таъкидлаб ўтилган ёшлар аҳволи тўғрисидаги доклад ҳар йили кенг жамоатчиликка тақдим этилиши лозим. Мазкур доклад Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг жорий йилдаги яхлит манзарасини тасаввур қилиш имкониятини шунга кўра самарасиз соҳалар ҳамда уларда қўлланилаётган механизм ва технологияларнинг натижадорлик даражаси аниқланиб келгуси йилда қолоқ соҳаларни ривожлантириш ҳамда уларда қўлланилган механизм ва технологияларни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб амалиётга тадбиқ қилиниши лозим.

Бундай амалиётнинг яна бир афзал жиҳати шундаки, ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигининг йиллар кесимидаги динамикасини ишлаб чиқиб шунга кўра келгуси йиллардаги истиқболли стратегиясини аниқ белгилаб олиш имконияти яратилади.

Иқтибослар/ Сноски/References:

[1] Айзенкоп, Б.М. Молодежная политика в Российской Федерации: Поиск оптимальных решений / Б.М. Айзенкоп. - М.: Макс Пресс, 2013. - С. 21. (Ayzenkop, B.M. Molodejnaaya politika v Rossiyskoy Federatsii: Poisk optimalnykh resheniy / B.M. Ayzenkop. - M.: Maks Press, 2013. - S. 21.)

[2]. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т.: “Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2016 йил 19 сентябрь, № 37 (745) сон.

[3]. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2017-2018 йиллардаги “Ёшларга оид давлат сиёсати амалга оширишнинг қўшимча чора-тадбирлар дастури” 2017 йил 20 август.

[4]. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимидаги ташкилотлар yi.uz/page/tizimdagi-tashkilotlar.

[5]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисидаги Фармони <http://uza.uz/oz/documents/yoshlar-kelajagimiz-davlat-dasturi-t-risida-28-06-2018>.

[6]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли Фармони <http://lex.uz/docs/3255680>.

[7]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3138-сонли Қарори yi.uz/document/normativ-hujjatlar.

[8] Лисовский, В.Т. Духовный мир и ценностные ориентации молодежи России. // Лисовский, В.Т. Уч. пособие. СПб., 2014. - С. 110. (Lisovskiy, V.T. Dухovnyy mir i sennostnyye orientatsii molodeji Rossii. // Lisovskiy, V.T. Uch. posobie. SPb., 2014. - S. 110.)

[9] Коврижных, Ю.В. Научное обеспечение реализации государственной молодежной политики и средствам массовой информации / Ю.В. Коврижных // - Муниципальный мир. - 2010. - №6. - С. 42. (Kovrijnyx, Yu.V. Nauchnoe obespechenie realizatsii gosudarstvennoy molodejnoj politiki i sredstva massovoy informatsii / Yu.V. Kovrijnyx // - Munitsinalnyy mir. - 2010. - №6. - S. 42.)

[10] Ручкин, Б.А. Российская молодежь сегодня: десять основных проблем / Б.А. Ручкин, Е.А. Гришина // Молодежная политика: Информационный бюллетень. - М., 2012. - № 196-197. - С. 4. (Ruchkin, B.A. Rossiyskaya molodej segodnya: desyat osnovnyx problem / B.A. Ruchkin, Ye.A. Grishina // Molodejnaya politika: Informatsionnyy byulleten. - M., 2012. - № 196-197. - S. 4.)

[11] Чирун С.Н. Молодежная политика в современном российском обществе. Автореф. дис. ... канд. социол. наук. – Кемерово, 2001.С – 25. (Chirun S.N. Molodejnaya politika v sovremennom rossiyskom obshchestve. Avtoref. dis. ... kand. sotsiol. nauk. – Kemerovo, 2001.S – 25.)

[12] Родионова, В.А. Молодежь и общество: Проблемы разработки и реализации молодежной политики / В.А. Родионова, С.Т. Колмогорцева, - М., 2015. - С. 35. (Rodionova, V.A. Molodej i obshchestvo: Problemy razrabotki i realizatsii molodejnoj politiki / V.A. Rodionova, S.T. Kolmogorseva, - M., 2015. - S. 35.)

[13] Беспалепко, П.Н. Проектирование государственной молодежной политики в практике муниципального управления: Автореф. дис.... канд. социол. наук: 22.00.08 / Павел Николаевич Беспаленко, - Белгород, 2011.-С.-12. (Bespalepko, P.N. Proektirovanie gosudarstvennoy molodejnoj politiki v praktike munitsipalnogo upravleniya: Avtoref. dis.... kand. sotsiol. nauk: 22.00.08 / Pavel Nikolaevich Bepalenko, - Belgorod, 2011.-S.-12.)

[14] Вербицкая, Л.А. Основы концепции и программы воспитания студентов вузов России / Л.А. Вербицкая, В.Т. Лисовский // - Вестник СЗО РАО «Образование и культура Северо-Запада России». - СПб. - 2014. Вып. 5.-С. 12. (Verbiskaya, L.A. Osnovy konsepsii i programmy vospitaniya studentov vuzov Rossii / L.A. Verbiskaya, V.T. Lisovskiy // - Vestnik SZO RAO «Obrazovanie i kultura Severo-Zapada Rossii». - SPb. - 2014. Выр. 5.-S. 12.)

[15] Павловский В.В. Ювентология: проект интегративной науки о молодежи. – М.: Академический проект, 2011.С – 304. (Pavlovskiy V.V. Yuventologiya: proekt integrativnoy nauki o molodeji. – M.: Akademicheskij proekt, 2011.S – 304.)

[16] Игнатов, В.Г. Региональная молодежная политика: Проблемы и опыт становления / В.Г. Игнатов, А.Н. Нифанов, П.Н. Беспаленко. - Ростов-на-Дону. - 2009. - С. 318. (Ignatov,

V.G. Regionalnaya molodejnaya politika: Problemy i oрыт stanovleniya / V.G. Ignatov, A.N. Nifanov, P.N. Bepalenko. - Rostov-na-Donu. - 2009. - S. 318.)

[17] Суpовова, О.В. Политическая социализация молодежи в современной России / О.В. Суpовова, В.М. Дол-гов. - Саратов: Изд-во Саратов. ун-та, 2014. - С.34. (Surovova, O.V. Politicheskaya sotsializatsiya molodeji v sovremennoy Rossii / O.V. Surovova, V.M. Dol-gov. - Saratov: Izd-vo Sarat. un-ta, 2014. - S.34.)

[18] Луков, В.А. Будущие политики: социализация студентов, ориентированных на профессиональную политическую деятельность // В.А. Луков, Я.В. Mineвич. - М.: Изд-во Нац. ин-та бизнеса, 2014. - С.26 - 32. (Lukov, V.A. Будущие политики: sotsializatsiya studentov, orientirovannykh na professionalnuyu politicheskuyu deyatelnost // V.A. Lukov, Ya.V. Minevich. - M.: Izd-vo Nas. in-ta biznesa, 2014. - S.26 - 32.)

[19] Демченко, В.И. Политическая социализация в США: история и современность / В.И. Демченко. – Ростов н/Д: Изд-во СКНЦ ВШ, 2015. - С. 64. (Demchenko, V.I. Politicheskaya sotsializatsiya v SShA: istoriya i sovremennost / V.I. Demchenko. – Rostov n/D: Izd-vo SKNS VSh, 2015. - S. 64.)

[20] Пирожников, в.г. Политическая социализация студенческой молодежи в условиях становления новой российской государственности: Монография / В.Г. Пирожников. - Астрахань: Изд-во Астрах. гос. пед. Ун-та, 2010. - С.37. (Pirojnikov, v.g. Politicheskaya sotsializatsiya studencheskoy molodeji v usloviyax stanovleniya novoy rossiyskoy gosudarstvennosti: Monografiya / V.G. Pirojnikov. - Astraxan: Izd-vo Astrax, gos. ped. Un-ta, 2010. - S.37.)

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 7

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000